

Россия мусулмонлари «Спутник V» вакцинасидан фойдаланиши маъқулланди



07:11 / 26.03.2021 2526

Россия Федерацияси Мусулмонлар маънавий бошқармаси (САМ) Уламолар (оқсоқоллар) кенгаши Спутник V вакцинасини Россия мусулмонлари фойдаланиши учун маъқул деб ҳисоблади, деди кенгаш раиси ўринбосари Илдар Аляутдинов. Бу ҳақда ria.ru нашри хабар беради.

«Спутник V вакцинасининг таркибини батафсил ўрганиб чиқиб, уни Россия мусулмонлари учун қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилдик», деди Аляутдинов.

Унга кўра, илоҳиётшунослар ушбу вакцинада мусулмонлар томонидан ишлатилиши тақиқланган моддаларни топмаганлар. Спутник V вакцинаси ҳақидаги фатво (диний хулоса) яқин орада нашр этилади, дея хулоса қилди агентлик суҳбатдоши.

Исломда маҳсулотлар (озик-овқат ва танага кирадиган барча нарсалар, шу жумладан, косметика ва дорилар) «ҳалол» (рухсат берилган) ва «ҳаром» (тақиқланган) турларга бўлинади. Диндорларнинг илтимосига биноан, дунёдаги руҳонийлар дин уламолари томонидан рухсат берилган маҳсулотларни этикетлашади.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи